



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кеలాжаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 30 декабрь, № 276 (7778)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили



Қудратли халқ шижоати фаровон ҳаёт барпо этишга қодир

Кейинги йилларда юртимизда барча соҳада улкан ислохотлар амалга оширилди. Бугунги тинч ҳамда осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Албатта, мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган саяй-ҳаракатларимиз ҳамиша бардавом, режаларимиз эса янада улкан.

Ортада қолаётган 2020 йил халқимиз учун синовли йил бўлди. Шунга қарамай, қўзланган катта ютуқ ва улкан натижалар қўлга киритилди. Давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона сиёсат ва халқимизнинг жўш урган қудрати бунга асос бўлди, десак, муболаға эмас.

Куни кеча мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа — Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган ушбу анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат нотихорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Уч йилдан буён анъанага айланган, парламентга ва шу орқали халқимизга йўлланган бу галги Мурожаатномада поёнига етаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар таҳлил қилиниши билан бирга, келгуси йилга мўлжалланган устувор мақсад ҳамда вазифалар белгилаб олинди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олган маъзур дастурий маърузада юртимизни тараққий эттириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, Ўзбекис-

тоннинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга қаратилган кўплаб масалалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси бўлишига қарамай, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили Давлат дастурига мувофиқ, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳада ислохотлар қатъий давом эттирилгани, эндиликда олдимизда бундан-да улкан марраларга эришиш бўйича долзарб вазифалар пайдо бўлаётганини таъкидлади.

Юртимизда пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш йўлидаги комплекс чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Биргина тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид саяй-ҳаракатлар тўғрисида кўплаб йирик, кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари қурилди. Мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди.

— Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади қамбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Олий Мажлисга ва халқимизга йўлланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Охириги маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатда 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун — шунга эътибор беринг — ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорда зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.

Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам қўзғалган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаллигида саяй-ҳаракатлари тўғрисида мавжуд кийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқдамиз.

Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимида ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд

тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз пайтида қўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонқуяр шифокорларга, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбиркор ва фуқароларимизга яна бир бор ўзимнинг чўқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари,

Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар раҳбарларига ташаккур билдираман.

Мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган чет давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари раҳмат айтиб, эзгу тилақларимни билдиришдан мамнунман.

Ҳурматли парламент аъзолари! Қадрли дўстлар!

Жорий йилда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни қатъий давом эттирдик.

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамадан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари — “GSP+” тизимини татбиқ этиш бўйича, муҳим қадамлар ташланди. Ушбу тизим келгусида республикамызда ишлаб чиқариладиган 6 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни Европа бозорига бож тўламадан олиб кириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, биргина тўқимачилик маҳсулотларининг йиллик экспортини 300 миллион долларга ошириш учун шароит яратди.

Жорий йилда мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятлари янада яхшиланди, илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

Бу йил республикамызда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суолти-

рилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва энгилликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди.

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида тўб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида қамбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги — “темир дафтар” тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши тўғрисида 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган “IT-Парклар”да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.

Яқунланаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди.

Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди.

Ўзбекистон “Очиқ маълумотларни кузатиш” халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

“Иқтисодий эркинлик” рейтинг-

гида ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Жазо муддатини ўтаётган ва тўзалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзида 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинмоқда. “Меҳр-3” операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келинган бунинг яққол тасдиғидир.

Жаҳонда қараётган мураккаб геосиёсий кечаётган, пандемиянинг пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саяй-ҳаракатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Мамлакатимиз тарихда биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “маҳсул кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг кўламли демократик ислохотларимизнинг эътирофидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг олий минбарида илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббусларимиз дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қадрли халқ ноиблари! Азиз юртдошлар! Барчангизга маълумки, кириб келаётган 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз.

Бугун келгуси йил учун режа ва дастурларимизни аниқ белгилаб олар эканмиз, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳими ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз, албатта.

Таъкидлаш керакки, пандемия барча-мизга тўбиданлигини бирламчи бўғини — тез ёрдам хизмати, санитария-эпидемиология тизимини тубдан ислоҳ қилиш муҳим ҳаётий зарурат эканини яна бир бор кўрсатди.

Хозирги вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида кузатилаётган “пандемиянинг навбатдаги тўлкани” ва у билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳаммамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда.

Буюк аҳдоҳимиз Имом Мотуридний ҳазратларининг **“Тириклик ҳикматини соғлиққа, деб билгин”**, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар турмуш тарзини ҳаётнинг ўзи бутун қайта-қайта исботламоқда.

Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида ортирган таърибамиз ҳамда хориждаги илгор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислохотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш — энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажagini ташминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устуллари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш — барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагича фарзандларимиз халқимизнинг аслий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кунга айланади.

Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз.

Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб ўлғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва таъриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

Учинчидан, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилгандан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё таърибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфлаган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино, бундан минг йил олдин **“Довюрак ва ботир инсонлар келажақда содир бўладиган қийинчиқлардан қўрқмайди”**, деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташаббуслар мени жуда қувонтирди.

Айниқса, кунги кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳланиш ва улاردан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган доворак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва таърибасини, узокни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги гайрат-шижоат, мард-

лик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**, деб ном беришни таклиф этаман.

2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қуйдаги кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

Биринчидан, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади.

Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз — боғча ёшдагича ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан кўшимча равишда 2 мингта наволабат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобили шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш модели ҳам йўлга қўйилади.

Иккинчидан, мактаб таълимини тубдан аячилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом эттирилади.

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона “электрон таълим” тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади. Таълим сифатини тубдан аячилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илгор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошлангич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илгор хорижий таъриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган “Миллий ўқув дастури” жорий этилади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олит қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини аячилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа — 100 фоиз устама ҳақ тўланади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришга кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардosh миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этиламиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида “касбга ўргатиш тизими” жорий этилади.

Яна бир масала — педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан бўён уларнинг “хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўз малакасини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта қўриб чиқилади.

Яна бир бор тақрорлайман, **жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим.** Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур. Шу боис ўқитувчи, мураббий ва методистлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошлаган ишларимиз келгуси йилда ҳам да-

вом эттирилади. Бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Учинчидан, олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади.

Олий ўқув юртларига қабул қилишда эътижбанд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқётган, иқтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Хозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олийгоҳларга кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртлари ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли хусусий олийгоҳларга ҳам зарур мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдosh олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

Шу муносабат билан келгуси йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сонини 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилади.

Тўртинчидан, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сонини 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илгор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Жорий йилда илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ва илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари қўрилди. Жумладан, 98 та ихтисослашган мактаблар ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди. Ўқув дастурлари тубдан қайта қўриб чиқилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оширилди.

Энди кейинги йил учун устувор илм-фан йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўра-миз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машина-созлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда — 11 миллион нафар, 2022 йилда — 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга қамқилирилади.

Учинчидан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилади.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

Бешинчидан, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади.

Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизимини меҳнат бозоридagi талаб ва халқаро андозаларга мос янги-ча ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади. Бундан бўён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўрнига чиқади.

Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 ян-

вардан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин.

Ҳабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

Олтинчидан, эътижбанд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Хозирги кунда республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш — нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади.

Умуман, бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондини ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтири-сак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайсиз. Бу маблағлар йил давомида кўпайтириб борилади.

Бу ташаббус умумхалқ ҳаракатига айланиши, саховатпеша ҳамюртларимиз ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшишга ишончим комил.

Олий Махлис палаталари Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаб, бу борада фаоллик кўрсатган юртдошлари-мизни рағбатлантиришни ҳам назарда тутиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳам вақти-соати келди.

Умуман, ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича юқорида қайд этилган форумда жуда қўллаб масалалар ечимини келишиб олдик. Шунинг учун бугун улар тўғрисида батафсил тўхталамдиз.

Барчамиз учун эндиги вазифа — ушбу ташаббус ва таклифларни тўлиқ амалга оширишдан иборат.

Хўмлати йиғилиши иштирокчилари!

2021 йил учун яна бир муҳим йўналиш сифатида белгиланган тиббиёт соҳасида қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Биринчидан, келгуси йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш — энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлади.

Бу ишлар учун 2021 йил Давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан, албатта, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш ва замонавий лабораториялар ташкил этишга 200 миллион доллар йўналтирилади.

Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари қўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

Иккинчидан, она ва бола соғлигига эътибор — жамиятга, келажақка эътибордир.

Шу мақсадда кейинги йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда — 11 миллион нафар, 2022 йилда — 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинади ва бу ишларга 100 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга қамқилирилади.

Учинчидан, тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш зарур.

Бу борада бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилади.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

Учинчидан, тиббий хизматлар кўрсатишда бирламчи бўғин қамровини кенгайтириш мақсадида келгуси 3 йилда 315 та “оилавий шифокор” пункти ва 85 та оилавий поликлиника ишга туширилади.

Бундан ташқари, “қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилади ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Олис ва чекка ҳудудларда бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва эътижбанд аҳоли учун скрининг тадбирларига хусусий шифохоналар ҳам жалб этилиб, уларга субсидия ажратилади.

Ўрта бўғин тиббиёт ходимлари — ҳамшира ва фельдшерларнинг обрўси ва мавқеини оширишга алоҳида урғу берамиз. Жумладан, 47 та Ибн Сино номидаги техникумларни ҳар йили битирадиган 20 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз тиббиётнинг бир нечта соҳаларида касб эгаси бўлиб чиқади. Шунингдек, ўрта бўғин тиббиёт ходимларига “хамширалик иши” билан мустақил шуғулланиш учун рухсат берилади.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд фуқароларимиз оқ қон ва оғир ирсий гематология касбида даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича мураккаб диагностика ва тиббий амалиётлар учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилади.

Ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 мингдан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олинади ва шу мақсадлар учун бюджетдан 140 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, эндокрин касалликларни аниқлаш ва даволаш мақсадида ҳудудий шифохоналарда махсус бўлимлар ташкил этилади. Бунинг учун 2021 йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала — аҳолимизнинг катта қисмини қўйнайдиган ўткир қон томир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этамиз. Ушбу марказлар аҳолига инфаркт ва инс

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

2021 йилда “Саноатқурилишбанк”, “Асака” банк, “Ипотека-банк”, “Алоқабанк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк”ни хусусийлаштиришга тайёрлаймиз. Камида битта йirik банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилади. Бу борада етакчи Европа банклари билан муокаралар олиб борилмоқда.

Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши бу — давлатнинг иқтисодиётдаги иш-тирокини камайтиришдир.

Биз давлат активларини очик-ошқора ва самарали сотиш учун, халқора молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлашти-ришга оид кенг қамровли ишларни бошла-дик.

Келгуси йилда “Фарғона азот” ва “Деҳқонбод калий” заводлари, “Кока-кола ичимлиги” корхонаси, “Билдирсой” ва “Чорвоқ” оромгоҳлари, “Йчан қалъа” ва “Ҳайат Реженси” меҳмонхоналари, “Пойтахт” бизнес мажмуаси, алкоголь, ёғ-мой каби тармоқлардаги 83 та йирик кор-хонадаги давлат улуши сотувга қўйилади.

Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони, келгуси йили дамида 3 баробар қисқартирилади.

Учинчидан, товар ва молия бозорла-рида эркин рақобат муҳитини шаклланти-риш ҳамда тадбиркорларга хом ашё сотиб олиш учун тенг имкониятлар яратиш зарур.

Ҳозирги кунда электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, транспорт хизматлари каби йўналишларда монопол бозорлар мавжуд бўлиб, уларда қўлпа муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхта-либ ўтмоқчимиз. Иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари ўсгани сайин, энергия ресурсларига бўлган талаб ортиб боради. Шунинг учун неёт-газ ва энергетика со-ҳаларидаги ислохотларни ва бошланган йирик лойиҳаларни якунига етказишимиз лозим. Жумладан, 2021 йилда давлат ва хусусий электр станциялари ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошла-нади.

Шунингдек, табиий газ таъминотида мо-нополияни бекор қилиб, бозор механиз-мларини жорий этамиз. Бунда ишлаб чиқарувчи ва импортёрларга биржа орқали та-биий газни сотиш, улгуржи истеъмолчилар эса газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўла-ди. “Ўзтрансгаз” компанияси эса фақат газни транспортирока қилади.

Суюлтирилган газ бозорида хусусий сек-тор иштирокчини кенгайтириш мақсадида унинг импортига ўрнатилган божлар бекор қилинади.

Заргарлик соҳасида ҳам тадбиркорлар-га хом ашё сотиб олиш учун кенг имкони-ятлар яратилади. Бунда келгуси йил 1 мартдан бошлаб, қумушни биржа орқали ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тарти-би ўрнатилади.

Автомобиль саноатида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва корхоналарга тенг шароитлар яратиш орқали соҳада ишлаб чиқарувчилар сони кўпайтирилади.

2021 йилда бошқа озиқ-овқат, нефть ва электротехника каби тармоқларда 73 та акциз солиқи бекор қилинади.

Яна бир масала — ҳозирги кунда дав-лат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда.

Келгуси йилда 24 та йирик давлат кор-хонасига давлат хариди бўйича очик-ош-қора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили ка-мида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади.

Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва парламент назоратида бўлади.

Тўртинчидан, иқтисодий ўсишга, ав-вало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвес-тицияларни кўпайтириш орқали эришила-ди.

Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, ма-шинасозлик, электротехника, фармацевти-ка, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқ-лари иқтисодиётимиз “драйверлари”га ай-ланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд.

Бу тармоқларда хусусий секторнинг та-шабуслари ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлан-тириш бўйича барча чоралар қўрилиши лозим.

Ҳозирги кунда Фозгондаги декоратив тошлар, Намангандаги тайёр кийим-бош, Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги “Тех-нопарк” каби саноат кластерлари ўз са-марасини кўрсатиб, шу тизим афзаллик-ларини намён этмоқда.

Хўкумат келгуси йил 1 апрелгача истик-болли саноат кластерлари рўйхатини аниқ-лаб, уларни жадал ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Шунингдек, “божхона ҳудудида қайта ишлаш режими”да саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур.

Шу билан бирга, инвестиция сийёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак.

Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истикболли майдонлар очик аукци-он орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истикболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвес-

торларга очик механизмлар асосида соти-лади. Бундай ишларни бошқа йўналишлар-да ҳам давом эттиришимиз керак.

Умуман олганда, келгуси йилда 23 мил-лиард доллар қўйматидagi инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объекллари ишга туширилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводи, Олмалик кон-металлургия комбинатида техноген ру-дани қайта ишлаш заводи, шунингдек, рес-публикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Биргина Тошкентдаги “Яшнобод” тех-нопаркда яна 11 та замонавий электро-техника корхонаси ишга туширилиб, у ер-даги жами корхоналар сони 17 тага ва ишловчилар сони 11 минтага етказилади.

Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сурхон-дарё вилоятларида жами қуввати 760 ме-гаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилади.

Қашқадарё вилоятида қиймати 3 мил-лиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқил-мас ва суюлтирилган газ ишлаб чиқара-диган мажмуа тўлиқ маҳсулот беришни бошлайди.

Бешинчидан, макроиқтисодий барқар-дорлик — иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунинг учун келгуси йилда инфляция-вий таргетлаш доирасида нарх-наво ўси-шини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва Ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади. Бу борада глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берил-ган имтиёзлар яна бир йилга узайтири-лади.

Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада қафолатланган захираини яратиш ва уларни бозорга узлуқсиз етказиб бериш ҳамда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади. Бунинг учун Ҳукумат ва ҳокимликлар томонидан барча чо-ралар қўрилади ҳамда бу масала Президентнинг доимий назоратида бўлади.

Шунингдек, 2021 йилда иқтисодиётни ка-мида 5 фоизга ўсишини, бюджет дефици-ти ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,4 фо-издан ошмаслигини таъминлашимиз за-рур. Келгуси 2 йилда эса бюджет дефици-ти 2 фоиздан оширмаслик бўйича Ҳуку-мат зарур чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айриброшлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисо-диётимизнинг хорижий валютага боғлиқ-лик даражасини босқинча-босқин камай-тириш керак. Шу мақсадда келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фо-издан 45 фоизга, яъни камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозим.

Янги йилда миллий валютада чиқарила-диган халқора облигациялар улушини ҳозир-ги 25 фоиздан камида 40 фоизга ошириш зарур.

Шу билан бирга, келаси йили банкла-раро валюта бозори “онлайн” платфор-мага ўтказилади ва тадбиркорларга валюта-ни бевосита банкнинг ўзидан сотиб олиш учун имконият яратилади. Натижада тад-биркорлар валютани ҳозиргидек 4 кунда эмас, ярим соатда сотиб олиши мумкин бўлади.

Яна бир масала — ҳозирги кунда Ўзбе-кистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон бан-ки ва Халқора валюта жамғармаси мезон-ларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий Кенгашлар ва жамоатчилик мухокамасидан ўтказилади. Уларнинг на-тижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисоб-борт бериш тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инф-ратузилма лойиҳаларига кўпроқ жусусий ка-питал жалб этилади. Масалан, кейинги йилда давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортик йирик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Марказий банк молия бозорида рақо-батни ошириш мақсадида 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғри-сида қонун лойиҳасини киритсин.

Шунингдек, мамлакатимизда ислом мо-лиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислам тараққиёт банки ва бошқа халқора молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади.

Олтинчидан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қўлай шароитлар яратилади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқа-рор ишлаши учун тадбиркорлар давлат бил-лан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлаши-миз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-хўқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш — барча дара-жадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Шу билан бирга, айрим жойларда давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасад-

дилар томонидан тадбиркорларнинг мулк-ка доир ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда. Бундай мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат беришни так-лиф этаман.

Келгуси йилда “Солиқчи — қўмақчи” та-мойили асосида тадбиркорлар учун улар-нинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздор-лиги ҳақидаги маълумотларни олиш имко-нияти яратилади.

Тадбиркорларга янада қўлайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рұқсатно-ма турлари бекор қилинади, 115 таси бўйи-ча эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади.

Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларимиз оёққа туриб олишлари учун уларга қўмақ беришни давом эттирамиз.

Туризм, транспорт ва умумий овқатла-ниш соҳаларига берилган имтиёзлар кел-гуси йил якунигача узайтирилади. Шунинг-дек, 20 мингта тадбиркорнинг 400 мил-лиард сўмлик ер ва мол-мулк солигини тўлаш муддатини яна бир йилга узайти-ришни таклиф этаман.

Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдо-ри 30 фоизга етказилади.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни да-вом эттириш мақсадида оилавий тадбир-корлик дастурлари доирасида келгуси йил-да 6 триллион сўм имтиёзӣ кредитлар ак-ратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошлан-ган қишлоқларда тадбиркорликни ривож-лантириш дастурини кенгайтириш учун қўйимча 100 миллион доллар йўналтири-лади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингта яқин норматив-хуқуқий ҳужжат-лар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда Тадбиркорлик кодек-си ишлаб чиқилади.

Ҳабарингиз бор, бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилган эдик. Бунинг натижасида ўтган даврда тадбир-корлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 минг-тага етди. Шунинг учун мораторий мудда-тини яна бир йилга узайтиришни таклиф этаман.

Шу билан бирга, Ҳукумат томонидан бо-зорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва халоп-лоқ тадбиркорларни — тақдор айта-ман — замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади.

Еттинчидан, камбағалликни қисқар-тириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу — қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Бунда ҳар гектар ердан олинадиган да-ромидаги ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш усту-вор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ ҳўжалигига энг илгор технология-лар, сувни тежайдиган ва биотехнология-ларни, уручлиқчи, илм-фан ва инновация-лар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий эти-шимиз лозим.

Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ер-дан манфаатдорлигини ошириш керак. Ман-фаатдорлик ва адолат бўлган жойда, ал-батта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу бо-рада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини қафо-латлаш ва ерларни бозор активларига ай-лантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Шунинг учун Ҳукумат икки ой муддатда ердан фойдаланиш ҳуқуқини мустақамлаш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотта киритиш механизмла-рини жорий қилиш бўйича таклиф киритсин.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ ҳўжалигига билим ва инновациялар мар-казлари ташкил этилиб, уларда “ягона дар-ча” тамойилии асосида 100 дан ортик аг-рохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхши-лаш, касалликларга қарши курашиш, уруч-лиқларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилади.

Қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг умумдор-лигини ошириш, замонавий агротехноло-гияларни жорий этишга илк бор 600 мил-лион доллардан зиёд кредит ва грант маб-лаглари жалб қилинади.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга еткази-лади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлашти-рилади.

Саккизинчидан, барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари биринчи марта 2020 йил бошида ўз зиммасига олган маж-бурийат ва режалари ижроси ҳақида маҳал-лий Кенгашлар олдида ҳисобот берди.

Бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик — билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилмоқда.

Хўлбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқ-ни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди. Тараққий этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиги “билимлар иқтисоди-ёти” ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани буни яқол исботламақда.

Бундан буён ҳар бир қишлоқ ёки ма-ҳалла ўз йўналиши ва “ўсиш нукталари”-дан келиб чиқиб ривожлантирилади. Бу-нинг учун келгуси йилда 3 триллион сўмлик маблағга эга бўладиган ҳудудлар инфра-тузилмасини ривожлантириш жамғармаси-ни тузишни тақдир қилиб этаман. Жамғара маблағлари маҳаллий Кенгашлар таклиф-ларига асосан инфратузилма лойиҳалари-

ни қўшма молиялаштиришга йўналтири-лади.

Шунингдек, 84 та туман ва шаҳарда са-ноат салоҳиятини янада ошириш учун 100 та технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилади.

Келгуси йилда эркин иқтисодий ва ки-чик саноат зоналарини зарур инфратузил-малар билан таъминлаш учун 1,6 трил-лион сўм йўналтирилади.

Хўкумат ҳудудларда 130 минг километр узунликдаги паст қўланишли электр тар-моқлари ва 40 мингдан ортик трансфор-маторни босқинча-босқин янгилаш дасту-рини келгуси йил 1 апрелга қадар тасдиқ-лаши зарур. Шунингдек, 5 мингдан ортик таъмирлаб қўйишни тиклаш бўйича даст-ур қўлаб қўйилди. Бу ишларга 2021 йил-да 400 миллиард сўм маблағ йўналтири-лади.

Яна бир муҳим масала — сўнгги 3 йил-да “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дас-турлари доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қиш-лоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Лекин пан-демия туғайли ушбу йўналишдаги ишла-римизни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлган эдик.

Хўкумат бир ой муддатда 2021 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дас-турларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Ушбу дастурларни республика ва маҳаллий бюд-жетлар томонидан тенг улушларда молия-лаштиришни назарда тутсин.

Халқора молия институтлари ҳам маз-кур дастурда иштирок этиш учун 270 мил-лион доллар йўналтиришга тайёр эканини билдириди.

Ҳудудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу — уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Қисқа қилиб айтганда, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва ту-ристик марказларга тезда келиб-кетиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармонини яратишимиз лозим.

Шу мақсадда Ҳукуматга кейинги йил 1 мартдан бошлаб икки туризм йўналиши-ларидаги авиақатновларни йўлга қўйиш ва авиачипта нархининг бир қисмини бюджет-дан қўплаб бериш тизимини жорий этиш вазифаси юкланади.

Шунингдек, бир қатор ҳудудий аэропорт-лар давлат-хусусий шериклик асосида ташқи бошқарувга берилади.

Кейинги йилда 2 та тезюрар поезд ҳара-кати йўлга қўйилади, Бухоро — Урганч — Хива темир йўлини электрлаштириш бош-ланади.

Аҳоли пунктлари ўртасидаги, айниқса, қишлоқларни туманлар марказлари билан боғлайдиган узлуқсиз автобус қатновлари хусусий секторни жалб қилиш орқали кўпайтирилади.

Тошкент шаҳрида ер усти метросининг 12 километрлик иккинчи босқинчи фойдала-нишга топширилади. Шу тариқа ер ости ва ер усти метро линиялари яхлит тизим сифатида бир-бирига уланади.

Туризмни ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни да-вом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмни ривожлантиришга алоҳи-да эътибор берилади. Шунингдек, туризм объектлари атрофида ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун бюджетдан 1 триллион сўм ажратилади.

Тўққизинчидан, келгуси йил аҳоли-лар ижтимоий ҳимояси янада кучайтири-лади.

Ногиронликни белгилашнинг жаҳон андозаларига мос “ижтимоий модели”га босқинча-босқин ўтлади.

Мўхтож аҳолининг протез-ортопедия бу-юмлари ва реабилитация воситалари бил-лан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг нафар юртдошимиз фойдаланиши мумкин бўлади.

Эхтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишла-римиз кўлами янада кенгайтирилади. Бун-да 27 мингта ёки бу йилга нисбатан 2,5 баробар кўп оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалларини тўлаш ва кредит фозиларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилади.

Унинчидан, янги экспорт бозорлари-га чиқиш Ҳукуматнинг энг асосий вазифа-ларидан бири бўлиб қолади.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилоти-га аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоки билан кенг қамровли ҳамкорлик бўйича ишларни фаоллаштириш лозим.

“GSP+” тизими доирасидаги имтиёзлар-ни мамлакатимизда самарали қўллаш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон яқинда Евроосий иқтисодий иттифоқида қузатувчи макomini олди. Ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар бозор-ларида тўлақонли иштирок этиш учун мил-лий техник тартибга солиш меъёрларининг уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Келгуси йилда корхоналарга хом ашё сотиб олиш ва экспортбо маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун Экспортни қўллаб-қув-ватлаш жамғармасидан 100 миллион дол-лар ажратилади.

Экспорт қилувчиларга чет элда савдо уйлари ва дўконлар очиш ҳамда реклама харажатларининг 50 фоизи қўплаб бери-лади.

Умуман, Ҳукуматга келгуси йилда товар ва хизматлар экспортини камида 20 фо-изга ошириш вазифаси топширилади.

Хўрамат! парламент аъзолари!

Ислохотларимиз халқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ибодасини топиши, кутган на-тижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан дав-лат бошқарувидаги самарадорликка бево-сита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда

кўйдаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, давлат бошқаруви идо-ралари фаолиятини тубдан такомиллашти-риш талаб қилинади.

Кўпгина вазирлик ва идоралар фаоля-тида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган. Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаоли-ятларида бир-бирини тақрорлаш ҳолатла-ри мавжуд. Сабаби — кўпчилик вазир ўрин-босарлари, ўрта бўгин раҳбарлари маса-лани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата ол-майди.

ЙИЛ САРҲИСОБИ, УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеа — давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси йил сарҳисоби, қилинган ишлар таҳлили, асосий кўрсаткичлар, янги ғоя ва ташаббусларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис халқимиз уни катта қизиқиш билан кутиб олади. Президентимиз тақлифига кўра, 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган халқимиз учун айна муддао бўлди. Буни парламент аъзолари, турли соҳа вакиллариининг Мурожаатнома хусусидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

Ўзбекистон сиёсати — ижтимоий йўналтирилган сиёсат

Танзила НОРБОВЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси — бу давлатимиз, халқимиз, барча даражадаги ижро органлари, жамоатчилик билан ўзига хос мулоқот бўлди. Мурожаатномада халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жуда ҳам долзарб бўлган масалалар қамраб олинган бўлиб, ҳамюртларимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Ундаги вазифаларда айнан халқимиз томонидан билдирилаётган тақлифлар эгга эътирилиб, аҳолиимизни қўйиётган муаммолар ечимини ўз ичига олган. Ҳаммамизга маълум, 2020 йилда пандемия сабабли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари устуворлик касб этди. Шунга кўра, мамлакатимизда фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши давом этди. Биз бу оғир синовларни муносиб равишда, кучли бўлиб енгиб ўтдик. Буни Мурожаатномада келтирилган аниқ натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Мурожаатномада, шунингдек, давлати-



миз раҳбари мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишдаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Шу билан бирга, асосий урғу халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш юзасидан аниқ, равшан чора-тадбирларга қаратилди. Энг аввало, иқтисодиётимизнинг ҳар бир тармоғини ривожлантиришда хусусий секторнинг ролини ошириш, банкларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, дав-

лат харидлари жараёнларини қаттиқ назоратга олиш, инвестицияларни фаол жалб этиш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш каби қатор муҳим вазифалар белгиланди. Мурожаатномада пандемиядан кейинги даврда ижтимоий ҳимоя қилиш тизими қандай бўлиши, камбағалликни қисқартириш, айниқса, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қўл болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизларни рағбатлантириш тизимларининг янада такомиллаштирилиши қайд этилди. Кучли амалий тақлифлар билдирилди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мурожаатномада аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Яъни Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши, раҳбарлиги эса Сенатга топширилаётгани зиммамизга катта масъулият юклямоқда. Эндликда юртимизнинг ҳар бир фарзанди, ҳар бир аёли давлатимизнинг диққат марказида бўлади. Шунинг учун ҳам биз ҳақли равишда Ўзбекистон сиёсатини ижтимоий йўналтирилган сиёсат, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Парламентимиз фаолиятида дастуриламал бўлади

Содиқ САҒФОВЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

— Яқини етаетган йил бутун инсоният учун синовили бўлди. Биз бошимиздан кечирётган пандемия инсоният охириги юз йил давомида кўрган энг катта ноҳарбий талафот бўлди, десак, муболага эмас. Лекин бу юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишларга раҳна сололмади. Давлатимиз раҳбари бошчилигида қўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу “офат”нинг салбий таъсирини юмшата олдик ва Ўзбекистон демократия йўлидан дадил одимлашда давом этмоқда. Бундай изчиллик парламентимиз, жумладан, Олий Мажлис Сенати фаолиятида ҳам кузатилди. Парламент юқори палатасининг халқаро алоқалар йўналишидаги фаолияти бунга яққол мисолдир.

Жорий йилда Олий Мажлис ҳамда чет эл парламентлари ўртасида 43 та парламентлараро гуруҳ тузилди. Бундан қўзланган мақсад икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш ҳамда тузилган халқаро шартномаларни парламент назоратиға олишдан иборат бўлиб, бу амалиётда ўзини тўла оқлагати, дейишга барча асосимиз бор.

Қолаверса, ўзаро тажриба алмашиш ҳам мақсад қилинган. Масалан, биз учун нисбатан янги бўлган бюджетни шакллантириш ва уни назорат қилиш, ижро ҳўкимияти устидан парламент назоратини ўрнатилда ана шу тажриба қўл келиши ўз-ўзидан тушунарли.

Шунингдек, минтақаий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда бунинг аҳамияти бекиёс. Ўйлаيمизки, бундай ҳамкорлик нафақат минтақаий, балки бошқа минтақалар давлатларини билан ҳам икки томонлама алоқаларни кўчаитиришда айна муддаодир. Россия, Қўзоғистон ва бошқа давлатлар билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз давомида бунинг самараларини кўп бор кўрдик. Халқаро фаолият ҳақида сўз кетганда, Мурожаатномада бунга алоҳида урғу берилганлигини айтиш жоиз. Зеро, Ўзбекистон учун дунё ҳамжамиятиға интеграциялашув муҳим жараён саналади. Юртимизнинг жуғрофий жойлашувига бизга талай қўлайликлар билан бирга, муайян қўйинчиликларни ҳам келтириб чиқариши барчамизға яхши аён. Шулардан келиб чиқиб, кейинги йилларда транспорт йўлакларини барпо этишға жиддий эътибор берилмоқда.

Яна бир масалаға алоҳида тўхталиш жоиз. Хабарингиз бор, ўтган йилги Мурожаатномада Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигиға масаласини ҳар икки палата аъзолари чўқур ўрганиб чиқилди ва тегишли ҳўлослар бериши кераклиги айтилган эди. Шу йил давомида парламент палаталарида ишчи гуруҳлар тузилди, экспертлар иштирокида бу масала чўқур ўрганиб чиқилди. Яқунда эса Ўзбекистоннинг кузатувчи макромда иштирок этиши миллий манфаатларимизға мос, деган ҳўлосға келинд. Бу жорий йил давомида парламентимиз томонидан амалға оширилган катта ишлардан бири бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Кўп томонлама ҳамкорлик ҳақида гап болар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тузилмалари билан алоқаларға тўхтамасликнинг иложи йўқ. Маълумки, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, Ҳўкумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини



йўлга қўйиш, бу бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш муҳим. Шу боис ҳам Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг февралдаги қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалға оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Бу комиссия аъзолари иштирокида Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалға оширишға доир биринчи Ихтиёрий миллий ҳисоботи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши бошчилигида ўтказилган олий даражадаги сиёсий форумда тақдим қилинди.

Миллий мақсад ва вазифалар юртимизнинг барча ҳўдудида бир хилда бажарилишини таъминлаш чоралари ҳам кўрилди. Шу жараёнда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, оватланиш рақсионини яхшилаш ва қишлоқ ҳўжалигининг барқарор ривожланишға кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳўффаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш масалалари доимий эътиборда бўлиб келяпти.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясини таъминлаш чоралари илгари сўрилган ташаббуслар амалға оширилишини таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Масалан, БМТнинг Ўзбекистондаги агентликларини билан ўзаро мулоқот механизми яратилди ҳамда улар билан доимий равишда мслаҳатлашувлар ва ўзаро ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, тегишли халқаро ҳўжжат ва резолюцияларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи Концепция ҳамда Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги БМТ халқаро кодекси, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳўқуқларини таъминлашда парламентларини ошириш ҳамда Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳўдуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги мақсус резолюциялари лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этилди.

Умуман, пандемия шароитиға қарамай, парламентимизнинг 2020 йилдаги халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳар жиҳатдан самарали бўлди.

Президентимиз томонидан кеча Олий Мажлисга йўлланган навбатдаги Мурожаатнома фаолиятимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шўбҳасиз. Зеро, унда парламент фаолиятини яна бир поғона кўтаришға хизмат қиладиган қатор ташаббуслар, тақлиф ва ғоялар илгари сўрилди.

Соҳада ишлар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилади

Агриппина ШИН,
Ўзбекистон Республикаси
мактабгача таълим вазيري:



— Президентимиз томонидан 2021 йилға мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилгани бежиз эмас. Чўнки юртимизда амалға оширилаётган изчил ислохотлар замирида фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсиб-ўлғайиши, бахтли-саодатли бўлишиға эришишдек эзгу мақсадлар муҳассамдир. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2021 йилда барча соҳада амалға ошириладиган ишларнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, давлатимиз раҳбари мактабгача таълим соҳасиға алоҳида эътибор қаратиб, соҳадаги ишлар янги қўлам ва янги сифат билан изчил давом этирилишини таъкидлади.

Хўсусан, келгуси йил якунида мактаб ёшигача бўлган болаларнинг таълим-тарбияға қамраб олиниши 65 фоизға, 2023 йил охирида эса 75 фоизға етказилади. Соҳада хўсусий сектор улуши оширилиб, бюджетдан 600 миллиард субсидия бериш ҳисобидан қўшимча 2 мингта нодавлат бочча ташкил этилади.

Янги йилдан болаларни мактабға тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли бола ёки уларнинг 82 фоиз қамраб олинади. Узоқ қишлоқларда мактабгача таълим шакллари кенгайтирилади. Бўнда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш тизими жорий қилинади.

Албатта, болачоналаримизға сифатли таълим-тарбия бериш ва камровни кенгайтириш борасидаги вазифаларини сидқидилдан ва бекаму кўст бажарамиз.

Иқтисодий барқарорлик йўлида муҳим қадам

Темур ИШМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
молия вазيري:



— Президентимиз Мурожаатномасида Молия вазирлигиға бўлган муҳим топшириқлардан бири, бу — ташқи қарз масаласи. Ҳаммамизға маълум, бу йилги оғир, пандемия даврида қўшимча катта харажатларни амалға оширишға тўғри келди. Бундан ташқари, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун ҳам қўшимча харажатлар бўлди. Умуман, ижтимоий ҳимоя нуктаи назаридан қўйин пайтда аҳолининг заиф қатламига қўшимча моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Давлат томонидан ижтимоий нафақа олувчи оилалар сонин кескин қўпайтирилди. Мана шу барча харажатлар қўшимча қарзларни жалб қилишни тақозо этди. Лекин Ўзбекистоннинг ташқи қарз миқдори халқаро мезўрларға асосан, паст ҳисобланади. Йил якуни билан ташқи қарз мўътадил ҳисобланади, яъни ҳавфли эмас. Ҳўкумат бемалол бошқара олади ва қайтара олади. Аммо мана шу ташқи қарзнинг хатарлари биз учун, келгуси авлод учун оғир ботмаслиги, умуман, иқтисодий сиёсат барқарорлигини сақлаб қолиш учун ташқи қарзға жиддий эътибор қаратиш, уни бошқариш топшириқлари берилди.

Урғу берилган яна бир жиҳат, ташқи қарзда валюта хатарининг олдини олиш мақсадида ташқи қарзини миллий валютада жалб қилиш вазифаси бўлди. Мазкур йўналишда бу йил биринчи қадам босилди. Мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон ўзининг суверен, яъни давлат халқаро облигацияларини халқаро капитал бозорларида айнан Лондон фонд биржасида миллий валютаимиз — сўмда жойлаштирди. Яъни Ўзбекистон икки триллион сўм миқдорида, миллий валютада Лондон биржасида қарз олди. Бу мамлакатимиз учун жуда катта ютук. Бу борадаги ишлар тизимли равишда давом эттирилади.

Таълим тизимидаги оғриқли масалалар ечими белгилаб берилди

Шерзод ШЕРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазيري:

— Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида халқ таълими соҳасиға доир жуда муҳим вазифалар белгилаб берилди. Асосий эътибор мактаб таълимида сифатни юқори босқичға олиб чиқилшға қаратилиб, бунда олдимизда турган муаммоларни ечиш борасида ҳам аниқ йўналишлар кўрсатиб берилди.

Таълим тизимида масалалардан бири, бу — чекка ҳўдудлардаги таълим сифати паст бўлган мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш. Мурожаатномада мазкур масаланинг ечими тақдим этилган йили бораға молик. Эндиликда малакали ўқитувчи бир тумандан бошқа тумандаги олис мактабға бориб дарс бериа ойлмигиға 50 фоиз, вилоятдан бошқа вилоятға бориб дарс бериа 100 фоиз устама хақи туланадиган бўлди. Бу, албатта, узоқ ҳўдудларда кадрлар масаласи ечим топилшға катта ҳўсса бўлиб қўйилади. Шаҳарда ҳам, чекка қишлоқларда ҳам таълим сифатини юқори босқичға олиб чиқилиш имконини беради.

Ўзбекистонда 2021 йил — “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлиги-

ни мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши бугунги шароитда жуда долзарб аҳамиятга эға. Сабаби аҳолиимизнинг катта қисминини ёшлар ташкил қилади. Бугун олдимизға қўйилган вазифа, бу, 30 ёшгача бўлган ёшларни узвий таълим олиш, касб эғаллаш, келажакда муваффақиятнини таъминлашда яхлит тизим яратишдир.

Ўқитувчи жамиятда энг обрўли касб эғаси бўлиши, уларнинг фақат сифатли таълим беришға эътибор қаратиши, ўз устида ишлашдан бошқа нарсини ҳақида ўйла-маслиги бўйича давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар катта рағбат бўлиш билан бирга, устозлар зиммасига масъулият ҳам юкляши шўбҳасиз. Бунинг натижаси йиллар ўтиб ўзининг самарасини беради, албатта.

Мурожаатномада 18 ёшгача бўлган алоҳида эътиборға муҳтож болаларнинг тақдирига оид муҳим вазифалар белгилаб берилгани ҳам ўзига хос тарихий аҳамиятга эға. Сабаби ушбу масала энг оғриқли мавзулардан бири саналади. Эндиликда чин етимларни уй-жой билан таъминлаш, бундан ташқари, ногиронлиги бўлган ва да-



волалишға муҳтож ҳамда эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига алоҳида меҳр-муруват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилиши, уларнинг таълим олиши, касб эғаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва бу ишларни амалға ошириш учун алоҳида Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиши бўйича белгиланган топшириқлар келгусида ушбу йўналишда олиб борилаётган ислохотларни мутлақо янги босқичға олиб чиқади.

Мурожаатномада ҳар бир соҳа бўйича тарихий аҳамиятга эға вазифалар белгилаб берилди, уларни амалға ошириш эса ҳар бир соҳа вакилларида масъулият талаб қилади. Бу вазифаларни яқдиллик билан амалға ошириб, албатта, олдимизға қўйилган марраларға эришамиз.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — бош мақсадимиз

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори:

— Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини эўр қизиқиш билан тингилдаш ва ёшлар сиёсатини амалға оширишда яна нима-ларға эътибор қаратишимиз лозимлиги ҳақида ўзимға аниқ вазифаларни белгилаб олдим.

Негаки, барча соҳалар қаторида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг пухта билим олишларига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бўйича янги ва эзгу тақлифлар илгари сўрилди.

Аввало, ёш авлодға бочча, мактаб ва олий-гоҳда сифатли таълим-тарбия беришини йўлга қўйишимиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб ўлғайиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этишимиз лозимлиги алоҳида таъкидланди. Албатта, бу жуда тўғри йўл. Нега деганда, келажакимиз, эртанги кўнимиз — ёшлар қўлида. Уларға зарур шароитларни бугун яратиб, пухта билим олишларига



замин ҳўзирласак, эртаға унинг самараларидан Ватанимиз гуллаб-яшнайд, ривожланади.

Бугун давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълим камровини кенгайтириш, олий таълимға квоталарни қўпайтириш борасида жорий этилаётган янги тизим орқали ёшлар или

Зиммамиздаги масъулият янада ошади

Матлуба ҒАНИЕВА,
Андижон туманидаги «Орол» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси, сенатор:



— Янги йил шўқуҳи кезаётган шу кўнларда йил сарҳисоби ва келаси йилда амалға ошириладиган ишлар, қўтиллабган янгиликлар барчада катта қизиқиш уйғотиши, табиий албатта. Мен ҳам Мурожаатномани алоҳида қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладим. Унда белгилаб берилган вазифалар маҳалла раиси сифатида ҳам, сенатор сифатида ҳам зиммамдаги масъулиятни янада оширишини теран англадим.

Юртбошимиз доимо маҳаллага жуда катта эътибор қаратиб келади. Айниқса, 2020 йилда бу йўналишда катта янгиликлар бўлди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, жойларда эса унинг бошқарма ва бўлимлари тузилди. Маҳалла раисларига ўринбосарлар берилди ва бугун профилак-

тика инспекторлари ҳам ўринбосар сифатида фаолият олиб бормоқда. Илгари уч-тўртта маҳаллаға битта профилактика инспектори хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда ҳар бир маҳаллада биттадан инспектор бор. Мўҳими, уларнинг барчаси ишхона, хизмат машинаси ҳамда тураржой билан таъминланган.

Агар ўзим фаолият олиб бораётган маҳалладан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, тизимда амалға оширилган шу каби янгиликлар самараси ўларок, бизнинг ҳўдудда жорий йилда биронта ҳам жиноят содир этилмади. Аммо биз ана шу натижалар билан қиёфаланиб қолишимиз керак эмас, олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турибди.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ана шу вазифаларға ана бир бор эътиборимизни қаратди. Масалан,



Элмира БОСИТХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазيري ўринбосари:

— Бу йилги Мурожаатноманинг асосий фаркли жиҳати аҳоли саломатлигиға эътиборнинг янада қўпайтирилгани ва мутасаддиларнинг масъулиятини оширилганида яққол кўринди.

Глобал пандемия бизға кўп нарсани ўргатди, тегишли ҳўлосалар чиқаришимизға туртки бўлди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мажхўд камчиликлар маълум бўлиб қолди. Президентимиз томонидан ўз пайтида қўрилган тезкор ва тизимли чоралар натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, коронавирўс ҳали тўла барҳам топанга йўқ. Хорижда ушбу вируснинг мутацияға учраган янги тури кенг тарқалаётганини оммавий ахборот воситалари орқали қўзғатяпти. Бу бизнинг оғоҳлигимизни ошириб, мазкур хавфли инфекцияға қарши янада самарали курашишға қаратилган ишларни кенгайтиришға туртки бўлиши, табиий.

Мурожаатномада соғлиқни сақлаш тизими ривожини янги босқичға кўтардиган кенг қўламли чора-тадбирлар белгиландики, халқимизнинг саломатлигини асрашда, соғлом турмуш тарзини боийтишда уларнинг аҳамияти ниҳоятда юқори. Президентимиз тиббиёт соҳасида амалға оширилиши ло-

Дипломатик корпус вакиллари:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ — 2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва шу орқали халқимизга йўлланган Мурожаатномаси мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакилларида катта қизиқиш уйғотди. “Дунё” АА мухбирлари уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикди.

«Халқ сўзи» учун махсус

Дэниэл РОЗЕНБЛЮМ, АҚШ элчиси:

— Ўзбекистон раҳбари жорий йил мамлакат ҳукумати дўх келган деярли барча муаммоларга тўхталиб ўтди. У қандай хато-ларга йўл қўйилгани ва нималарни ўзгаришти кераклиги ҳақида очик-ойдин фикр юритди. Ўзбекистон раҳбари ислохотларни амалга оширишда дўх келинган муаммолар ҳақида кўп гапиргани, уларнинг баъзилари охиригача етказилмагани ва ушбу камчиликлар учун мансабдор шахслар масъулигини таъкидлагани менда катта таассурот уйғотди.

Биз, Америка Қўшма Штатлари вакиллари Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасида келаси йил таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига алоҳида эътибор қаратишга кўрсатма берилганидан мамнун бўлдик. Айнан ушбу икки йўналиш бўйича Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Биз аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилолмоқдамиз. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этишда техник ва эксперт ёрдамини кўрсатяпмиз. Эътиборимиздаги яна бир йўналиш сил касаллигига қарши кураширди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйганмиз. Хусусан, қўшма лойиҳалардан бири инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашга йўналтирилган. Бу йил шериклигимиз доирасида 15 мингдан зиёд ўқитувчилар иштирокида малака ошириш дастурини бажардик. Яна бир йўналиш, бу — ахборот технологиялари соҳаси-



да мутахассислар тайёрлаш. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги оқал амалга оширилаётган бошқа иш-лорни лойиҳалар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг бугунги даражаси ҳақида гапирганда, мен икки томонлама муносабатлар ҳеч қачон ҳозирги каби мустаҳкам бўлмаганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг улкан ютуқлар даярига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Биз минтақавий хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қиламиз, Афғонистонни тиклашни биргаликда қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, иқтисодий соҳада биргаликда ишлаяпмиз, ўзаро савдо ҳажмини кенгайтиряпмиз ва республикага Америка сармояларини жалб қилаймиз. Шу билан бирга, давлатни янада ривожлантириш учун жуда муҳим бўлган таълим, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон салоҳиятини мустаҳкамлаш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириб, гуманитар соҳада яқин алоқалар ўрнатганмиз.

Бугунги кунда муносабатларимиз икки томонлама кун тартибининг барча йўналиши бўйича кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Шу муносабат билан мен 2021 йилда Ўзбекистон — АҚШ алоқаларининг янада ривожланишига умид билдираман.

Агостино ПИННА, Италия элчиси:

— Италиянинг Ўзбекистондаги янги элчиси сифатида Президентнинг парламентга Мурожаатнома йўллаш маросимида илк бор қатнашдим. Ўзбекистон Президентининг қарийб уч соат давомида мамлакат ҳаётининг энг муҳим жиҳатлари, ички ва ташқи сиёсат, ижтимоий-гуманитар соҳалар ҳақида сўз юритгани менда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбари Мурожаатномаси янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги демократик ислохотларнинг ўзига хос бе-

киёс дастуридир. Биз Ўзбекистон Президентининг кенг қўллами ислохотларни амалга ошириш мақсадида қўётган дадил ва изчил қадамларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ушбу ислохотлар суръатини ошириш, эришилган марраларда тўхтаб қолмаслик ва олдинга интилиш тарафдоримиз.



Аҳмад Холид ЭЛМИЙ, Афғонистон элчиси:

— Бугун Ўзбекистон Президенти ўз Мурожаатномасида ёшлар, хотин-қизлар, ижтимоий соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, олис аҳоли пунктларини ривожлантириш, меҳнаткашларни рағбатлантириш каби муҳим мавзуларга тўхталиб ўтди.

Глобал пандемия даврида давлат томонидан иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларини қўллаб-қувватлаш, уларни изчил ривожлантириш осон эмас. Аммо Президент Шавкат Мирзиёев парламентга Мурожаатномаси доирасида мамлакат олдида турган долзарб масалаларга ечим топишда ўз иродаси ва қатъиятини намойиш этди.

Президент Мурожаатномаси бутун халқ учун ҳаракат режаси бўлди. Шавкат Мирзиёев жойлардаги раҳбарларни ёшлар ва аёллар муаммоларига кўпроқ эътибор қаратиш, уларнинг таълим олиши ҳамда ишлаши учун барча зарур шароитларни яратишга чакирди. Шубҳасиз, Ўзбекистонда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш



йили” деб эълон қилиниши, таълим, соғлиқ ва ижтимоий ҳимоя каби соҳаларни ривожлантиришга салмоқли туртки бўлади.

Мен Афғонистоннинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида “Қўшнларинида ҳамма нарса яхши бўлса, демак, сенда ҳам ҳаммаси яхши бўлади” деган мақолини эсламоқчиман. Икки яқин қўшни бўлган Ўзбекистон ва Афғонистон азалдан дўстона муносабатларни ривожлантириб келган. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан маъмур алоқалар янги сифат босқичига кўтарилди. Биз, афғонистонликлар Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги мактеби йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганидан жуда хурсандимиз.

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжон элчиси:

— Ўзбекистон Президентининг бугунги Мурожаатномаси — бу дастуриламал ҳужжат, 2021 йилга мўлжалланган ривожланиш дастури. Келаётган йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши эса келажак ҳақидаги ғамхўрликдир. Давлат раҳбари нутқида ёшлар келажак эгалари экани ҳақидаги фикр асосий гоё сифатида янради.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқи дастурий моҳияти, танқидий муносабати ва муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган алгоритми билан ажралиб туради.



Давлат раҳбарининг энергияси кишини илҳомлантиради, келгуси ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон раҳбари куч-қудрати ва ватанпарварлиги билан ўз халқини янги марралар сари қорламоқда.

«Дунё» АА.

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида яқунланаётган 2020 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида амалга оширилган улкан ишлар ҳуқуқ таҳлил қилиниб, 2021 йилда рўйбга чиқарилиши лозим бўлган устувор вазифалар аниқ белгилаб берилгани юртдошларимизда жамиятда рўй бераётган катта ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик туйғусини янада юксалтирди. Зиммасига юлканган вазифани сидқидилдан бажаришга бўлган масъулиятини оширди.

Мухбиримиз анжуман якунида сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ҳамда аъзолари билан суҳбатлашди.




Актам ХАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеп фракцияси раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг бу галги Мурожаатномасида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингта яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сонини қисқартириш ҳамда Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш гоёси илгари сурилгани, том маънода, тарихий воқеалардан бўлди.

Албатта, ушбу ташаббусни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам қилиб тайёрлаш, зарур тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зиммасига катта масъулият юқлайди. Юртимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишбилармонлик ҳаракатига кенг йўл очиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқин бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича барча чораларни кўрамиз. Янги кодекснинг қабул қилиниши эса тадбиркорлар, хусусий секторда меҳнат қилаётган ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиради, тадбиркорликнинг жадал ривожини унун мустаҳкам қолдириб хизмат қилади.

Алишер КОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари:

— Қайд этиш жоизки, жиддий ислохотга муҳтож бўлиб



Узлуксиз таълим билан бир қаторда, узлуксиз тарбия тизимини шакллантириш, ўзаро уйғунлигини таъминлаш, бизнинг муҳим сайёволди ваъдаларимиздир.

Шу маънода, Мурожаатномада Президентимиз “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган гоёни илгари сургани муҳим аҳамиятга эга. Бу борада келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак.

Партия Юртбошимизнинг Мурожаатномасида қайд этилган долзарб вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ўз зиммасига юклатилган бирламчи вазифалар, деб қабул қилади. Зеро, юртдошларимиз фаровонлиги, мамлакатимиз раҳнақига эришиш партияимизнинг пировард мақсадидир.

Иномжон КУДРАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг парламентга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янги йилда ҳам изчил давом эттириш таъкидлаб ўтилди. Натижада янги йилдан бошлаб жорий этиладиган “бир суд — бир инстанция” тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуний ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим янгилик — инвесторлар ҳуқуқларини муносив ҳимоя қилиш мақсадида



Олий судда инвестициявий низола ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилади. Шу сабаб эндиликда йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низоли ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Шу боис суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, онлайн тартибда мурожаат қилиш

имконияти ишга туширилади. Фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади.

Улугбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:



— Президентимиз келаётган 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном беришни тақлиф қилгани бир қанча аниқ омилларга кўра партияимиз учун катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Биринчидан, мактабгача таълим ва мактаб таълими тизими тубдан такомиллаштирилади. Биз бу масаланинг муҳимлигини Сайёволди дастуриримизда алоҳида қайд этганмиз.

Иккинчидан, касб-хунар ва олий таълим тизимида замонавий билим ва кўникмаларни ўргатиш бўйича илгор стандартлар жорий этилади. Бу ёшларнинг рақобатбардош кадр бўлиб етиши, бандлиги таъминланиши билан боғлиқ имкониятларни оширади.

Учинчидан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига тиббий хизматлар сифати ошиди, беморларни дори-дармон ва бошқа тиббий воситалар билан давлат томонидан кафолатли таъминлаш механизми яхшиланади. Мазкур масалалар кам даромадли аҳолининг саломатлиги муҳофаза этилишига, уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилади.

Шунинг учун Мурожаатномада илгари сурилган гоё ва ташаббуслар амалга ошиши, натижадорликка эришилиши

келгуси йилда партияимиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятида устувор йўналишга айланади. Бу масалада партияимизнинг алоҳида чора-тадбирлар дастурини қабул қилимиз.

Хайрулло ҒАФҒОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Экологик партия фракцияси аъзоси:

— Юртбошимиз томонидан барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида ҳам амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Биз Экологик



партиядан сайланган депутатлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда, бошқа соҳалар қатори экологик қонунчилик механизмининг янада такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг нафақат давлат ва жамият, балки кенг жамоатчилик иши бўлишига эришиш ҳамда экологик қонунчилик ижросининг сўзсиз бажарилиши бўйича назорат-таҳлилий фаолиятини янада кучайтиришни биринчи галдаги вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Умуман айтганда, Юртбошимиз томонидан парламент олдида қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишига эришишда бор ғайратимиз, билим ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

«Халқ сўзи».

ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини тинглар эканман, 2021 йилда икки юз мингдан зиёд аҳоли истикомат қиладиган туман раҳбари сифатида олдимизда гап қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турганини теран ҳис этдим.

Арафаддаги йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, дея номланиши туманимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни янада ривожлантириб юборди. Айтиш мумкинки, бу эзгу ташаббус сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

Туманимизда ёшларнинг орзу-истакларини амалга ошириш мақсадида тизимли ишлар қилинмоқда. Яқинда замонавий “IT-марказ” фаолияти йўлга қўйилиб, юзлаб ўқил-қизларнинг инновацион гоёларини қўллаб-қувватлаш учун за-

монавий шароит яратилган бўлса, 2021 йилнинг биринчи чорагида уч қаватли муҳташам Ахборот-кулубхона маркази фойдаланишга топширилди. Бир вақтнинг ўзига 150 нафар китобхона хизмат кўрсатиши мумкин бўлган кулубхона биноси учун 2,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Хозирги кунда “Марказий” ўйингоҳда 7,5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётди. Бу ерда ёшлар ва хотин-қизлар учун алоҳида спорт мажмуалари барпо этиляпти.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асо-

да янги тиббиёт муассасаларини барпо қилиш, мажмуаларини замон талабларига мос равишда таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш, мактабгача таълим ҳамда умумий ўрта таълим тизимида хусусий секторни кенг жалб этиш ишларига келгуси йилда ҳам туманимизда устувор аҳамият қаратишни биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаб олдим.

Мурожаатномадаги вазифалар, асосий йўналишлар туманимиздаги барча сектор раҳбарлари фаолияти учун дастуриламал бўлади. Ишончимизки, 2021 йил вилотиимизда — Бағдод тумани йили, мамлакатимизда — Фарғона вилоти йили, жаҳон ҳамжамиятида — Янги Ўзбекистон йили бўлади!

Алибек ТУРСУНОВ, Бағдод тумани ҳокими.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасини барча юртдошларимиз каби мен ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладим. Давлатимиз раҳбари 2021 йилни мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилди. Халқ ва Ватан манфаати йўлидаги ислохотларнинг янги сифат босқичига чиқишидан далолат берадиган ўзгаришлар борасидаги фикрлардан жуда таъсирландим.

Таъкидлаш жоиз, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида сўнгги тўрт йилда қилинган кенг қўллами ислохотлар 2020 йилда, бугун дунё аҳолисига катта ташвиш келтирган коронавирус пандемияси шароитида қанчалар улкан натижа берганлигини ҳаммамиз амалда кўрдик.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан юртимизга корона вирус кириб келмасиданок қўрилган жиддий чоралар, саралаш марказлари, мобил гуруҳларнинг ташкил этилиши ва бошқа профилактик тадбирлар тўғрисида короновирус билан курашда мамлакатимиз манаман деган давлатлар эришолмаган натижаларни қайд этди.

Президентимиз даъвати билан 2017 йилда вилотиларда фаолият бошлаган қўллаб-қувватлаш қатори мен ҳам Сирдарё вилотида келган эдим. Уш йиллик натижаларни таҳлил қилар эканман, давлатимиз раҳбари-

нинг бу ташаббуси моҳиятан нақадар халқчиллигини ҳис этдим ва энг муҳими, у қанчалар юқори самара берганини амалда кўрдим. Янги бизнинг йўналишдаги беморларнинг 95 фоизи энди вилотиинг ўзига даво топишда, ортиқча ҳаражат, овергариниқлар барҳам топди.

Яна бир муҳим жиҳат, туман ва шаҳарларда ҳам гепатология ва герментология марказлари ташкил этилди, тиббиётнинг барча соҳаси қатори бизнинг йўналишда ҳам моддий-техник имконият юқори даражада яхшиланди. Тўрт нафар ёш мухтаассис-шафқор вилотида келиб иш бошлади. Келгуси йилда ҳам тиббиёт соҳасидаги ўсиш бундан да жадл давом этади, албатта.

Баҳром ТУРСУНОВ, Сирдарё вилоти уюмлик касаликлар шифохонаси бош шифокори.

МАРРАНИ БАЛАНДРОҚ ОЛАМИЗ

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўилишга қодир инсонлар сифатида улғайиши учун барча имконият яратилмоқда.

Шу маънода, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фарзандларимиз тарбияси, хусусан, уларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш устувор масалаларнинг энг муҳими сифатида алоҳида тилга олинганлиги кўнглимиздаги ғам бўлди.

Айтиш жоизки, соҳага кўрсатилаётган эътибор тўғрисида бўлажонларимизнинг қувнаб-йайраб ўсиши, намунали боғча тарбиясини олиши борасидаги шарт-шароитлар йил сайин яхшилланиб бормоқда. Бунга масалан, биргина бизнинг туманда 43 та давлат, 3 та хусусий ва 133 та оилавий мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатаятгани, уларга 13 минг 219 нафар ёш боғча ёшдаги кичкинтойларнинг 66 фоизи қамраб олинганлигида ҳам кўриш мумкин.

Мактабгача таълим ишига нодавлат секторини кириб келиши билан киши ҳавас қиладиган тарбия муассасалари кўпайиб

Зайнабхон УМАРОВА, Тўрақўрғон тумани мактабгача таълим бўлими мудираси.

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

Мурожаатномада банк тизими олдида бир қатор вазифалар қўйилди. Айниқса, бугунги кунда иқтисодиётимизни рақамли иқтисодиётга ўтказиш белгиланганини ҳаммамиз яхши биламиз. Нераки, бу иқтисодиёт ривожини ўсишига драйвер бўлиб хизмат қилади.

Ўзбур мажмакатимизнинг аксарият банкларида бу борадаги ишлар бошланган. Хусусан, банкимизда ҳам ривожланган давлатларнинг илгор технологияли компаниялари билан биргаликда кредит, депозит йўналишлари, бизнес ва рақамлаштириш масалаларига катта эътибор қаратяпмиз. Бунда замонавий технологияларни жорий қилиш, онлайн хизматга ўтиш, энг асосийси, микозларга қулай шароит ва шартларда хизмат кўрсатишни жорий қилишимиз керак.

Иккинчиси, банкларни хусусийлаштириш масаласи ҳам жуда муҳим. Бу борада банкимизда Халқаро молия корпорацияси томонидан трансформация жараёнини якунлаймиз. Кейинги йил ушбу замонавий жараёни жорий қила бошлаймиз.

Саҳи АННАКЛИЧЕВ, «Ўзсанотқурилишбанк» АТБ бошқаруви раиси.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси,